



УСТУВОР ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Ҳолид ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Кўп қиррали Ўзбекистон — Саудия ҳамкорлигини янада кенгайтириш, энг аввало, Ўзбекистон Президентининг жорий йил август ойидаги Саудия Арабистонига ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида инвестициялар вазири самимий қабул учун Ўзбекистон

етақчисига миннатдорлик билдириб, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиаҳд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан

қайд этди. Жумладан, жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми қарийб 10 баробар ошди. Мамлакатимизда Саудия инвестициялари иштирокида 40 та корхона ташкил этилган.

Биргаликда энергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, банк сектори, телекоммуникациялар, тиббиёт ва туризм соҳаларида йирик лойиҳалар амалга

оширилмоқда. Саудия тараққиёт фонди кўмагида соғлиқни сақлаш, таълим ва сув таъминоти соҳаларида қатор ижтимоий аҳамиятга эга дастурлар рўёбга чиқарилмоқда.

Саудия Арабистонининг 30 дан орттиқ етакчи компанияси иштирокида ўтган бизнес-форумнинг самарали якунлари юксак баҳоланди. “ACWA Power”

компанияси билан Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот туманида учта шомол электр станциясини қуриш бўйича инвестиция битими имзолангани тadbирнинг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Музокаралар чоғида Марказий Осиё минтақасида йирик инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Бошланган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини жадаллаштириш ва янгиларини тайёрлаш борасидаги, шу жумладан, Ишбилармонлар кенгаши доирасидаги ҳамкорлиқни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
Ҳарбий прокуратура
органлари томонидан амалга
оширилаётган ишлар ҳисоботи
билан танишди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси Қуролли Кучларда ва ҳарбий тузилмаларда қонунларга риоя этилишини назорат қилади. Мазкур орган томонидан мамлакатимиз суверенитетини мустаҳкамлаш, мудофаа салоҳиятини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ҳуқуқларини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, жорий йилда 1 минг 100 га яқин прокурор назорати ҳужжати қўлланилиб, 261 та ҳужжат қонунга мувофиқлаштирилган. 7 минг 858 нафар шахснинг ҳуқуқи тикланган. 654 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзолари иш билан таъминланган.

Қуролли Кучларда қурилиш дастурига киритилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари назорат тартибидеда кўриб чиқилиб, 23 миллиард сўмдан зиёд бюджет маблағлари иқтисод қилинишига эришилган. Ҳарбий прокурор протестларига асосан, судларнинг 10 та қарори қонунга мувофиқлаштирилиб, 6 нафар шахс оқланган.

Фуқароларнинг 2 минга яқин murojaatlari қўриб чиқилиб, 254 таси қаноатлантирилган. Шунингдек, сайёр қабулларда 3 минг 200 нафар шахс қабул қилиниб, аниқланган муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилган.

Мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясидан келиб чиқиб, ҳарбий тузилмаларда ҳам “инсон қадр” тамойили устувор этиб белгиланган. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий ҳимояси таъминланиши алоҳида назоратга олинган. Ҳарбий прокуратура бу борада қонун ҳимоячиси, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда фаол тарғиботчи бўлмоқда.

Қайд этилганидек, ҳарбий хизматчиларга Қуролли Кучлар ҳамда бошқа соҳалардаги ислохотлар, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини изчил етказишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ешларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида олис ҳудудлардаги мактаблар ҳарбий прокуратура идораларига бириктирилиб, прокурорлик соатлари ташкил этилади.

Бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлашда электрон платформалар имкониятларидан янада кенг фойдаланилади.

Давлатимиз раҳбари Ҳарбий прокуратура фаолиятини рақамлаштириш, инсон манфаатларини таъминлаш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг қўламли маъмурий ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди.

Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш ҳисобидан бюрократик тўсиқларни қисқартириш

ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 30 га яқин турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан 60 дан орттиқ ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди.

“Электрон ҳукумат” тизимининг фойдаланувчилари сони 4 миллиондан ошиб, у орқали давлат идораларининг 130 дан орттиқ ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қарийб 350 турдаги хизматлар онлайн шаклда кўрсатилиши йўлга қўйилди.

▶ Давоми 2-бетда

СИЙРАТ

МАҲОБАТЛИ ВА МАЗМУНДОР МАКТАБ АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ, АКАДЕМИК ОҚИЛ САЛИМОВ СИЙМОСИГА ЧИЗГИЛАР

Муқаддима

Ҳар бир даврнинг ўз намоёндалари, донишмандлари, замоннинг бутун силсиласини, қувончу изтиробларини, эзгулигу ёвузликларини тўғри баҳолай биладиган, ундан ноёб фазилатларни ва кенг имкониятларни кашф қиладиган даҳолари бўлади. Ҳар бир даврда ўша замоннинг пешқадам яловбардорлари, замону замоннинг залварли юкини мушт-декина қалбига жо қилиб, бутун ҳаётини миллат тақдириро истиқболига сафарбар қила оладиган ноёб одамлари бўлади. Бундай одамлар, табиийки, кам, ундайлар кам туғилади. Айни уларнинг ноёблиги, бутун қадрияти, мавжудлиги ва интеллектуал имкониятлари давр феноменига,

замоннинг маънавий киёфасига, мазмунига айланади. Биз яшаётган даврга юқоридаги ўлчовлар асосида қарайдиган бўлсак, замонамизнинг эл ардоғидаги, халқ ва миллат ифтихорига айланган одамлар сиймоси ўз-ўзидан кўз олдимизда ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, Олий мактаб халқаро академияси, Нью-Йорк фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Оқил Салимов ана шундай замон ва макон мазмуни, жамият ва унинг тараққиёти моҳиятини ўзида мужассам этиб, миллат рамзига, Ватан тимсолига айланганлардан бири.

▶ Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ ДОИРАСИДА РЕСПУБЛИКА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида мамлакатимизда натижадорликка йўналтирилган илҳам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини янгиланган талаблар ва тамойиллар асосида ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони билан вазирлик, қўмита, агентлик ва инспекцияларни ўз ичига оладиган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ягона тизими белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИНСОН ҚАДРИНИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ УЛУҒЛАШ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА ПАРЛАМЕНТ МАСЪУЛИЯТИ

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида, биринчидан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотларнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, бу борадаги ютуқлар қаторида йўл қўйилган камчиликлар ва муаммолар, хусусан, парламентимизнинг ислохотлардаги иштироки чуқур таҳлил этилди. “Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди”, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Иккинчидан, бугун дунёда қузатилаётган чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятлар, экологик муаммолар, кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарларни инобатга олган ҳолда, марказ ва жойлардаги вакиллик, ижроия ва суд ҳокимияти, бизнес ҳамжамият, фуқаролик жамияти институтлари олдида турган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Учинчидан, Президентимизнинг “тараққиётга фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади”, деган фикри биз, депутатлардан белгиланган вазифалар ижросига масъулиятимизни янада кучайтириш, доимо халқ орасида бўлиш, бор куч ва ғайратимизни ислохотлар натижадорлигини ошириш, халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш, ҳаётий муаммоларини ҳал этиш, ҳаётдан рози қилишга қаратишни талаб этади.

Тўртинчидан, жамият ва давлатимиз миллий ривожланиши устувор йўналишларининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Яъни конституциявий ислохотларимизнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Zero, ҳар қандай демократик ислохотлар мустаҳкам конституциявий асосларга эга бўлсагина, бардавом ва самарали бўлади.

▶ Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

Янги Ўзбекистон шароитида замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, қарор қабул қилиш ва масалани қўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш орқали давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш, шунингдек, Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси/Хукумат) аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг таркибий тузилмаларидан мустақил равишда Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлаши тизими жорий этилсин.

Белгилансинки, Хукумат аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари:

тегишли соҳада ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва уни ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун масъул ва жавобгар ҳисобланади; тизимдаги кадрлар сиёсатининг Вазирлар Маҳкамаси аппаратидан мустақил равишда давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ юриктилишини таъминлайди.

2. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар бўйича қотибятлар, департаментлар ва улар ҳузуридаги бўлимлар, шунингдек, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси, Ҳарбий-лаштеририлган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўлими тугатилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида:

Бош вазирнинг 4 нафаргача ўринбосарлари лавозими;

Хукумат раҳбари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган Бош вазир қотибяти ташкил қилинсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг аниқланган ижро этувчи тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда Хукумат ваколатларига оид бошқа долзарб масалаларни (кейинги ўринларда — масалалар) Вазирлар Маҳкамасига киритиш, қўриб чиқиш ва ахборот беришини қўйидаги тартиби жорий қилинсин:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва масалалар Хукуматга бевосита вазирлар ва бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари томонидан белгиланган тартибда киритилади.

Бунда, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва ҳўжалик бирлашмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга ошираётган вазир ёки бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари орқали киритилади;

б) қўриб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ахборот-таҳлил ва юридик таъминлаш департаментига қўриб чиқиш, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, тартибга солиш таъсири ва манфаатлар тўнлашувини баҳолаш ҳамда ахборот бериш учун киритилади;

в) ахборот беришга тайёр бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар Вазирлар Маҳкамасида коллегиял тарзда маъқулланади ёки рад қилинади;

г) маъқулланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда, зарур ҳолларда, бошқа масалалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилади (ёки қабул қилинади);

д) Вазирлар Маҳкамасида масалаларни коллегиял тарзда қўриб чиқишда, заруратга қўра, оммавий ахборот воситалари тақлиф қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) бир ой муддатда мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, киритиш, қўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишишнинг аниқ тартиби ва муддатларини, уларнинг ижросини назорат қилишни назарда тутувчи Хукуматнинг аниқланган регламентини киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки: Бош вазирнинг амалдаги ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси ва унинг ўринбосарлари янги тизим ишга тушгунга қадар юқлатилган вазифаларнинг тўлиқ ҳажмида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тузилмаларини мақбуллаштириш муносабати билан бўшаётган маблаглар Бош вазир қотибяти ўрнак қўрсатган бошқарув ҳодимларининг натижадорлиги асосида қўшимча рағбатлантиришга йўналтирилади.

Адлия вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорлигини ташкил этиш тартиби; амалга оширилаётган маъмурий ислохотлардан келиб чиқиб комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқа коллегиял органларга раҳбарларни қайта тақсимлаш бўйича тақлиф киритсин.

7. Бош вазирга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

масалаларни тартибга солиш ва устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Бош вазир қотибятининг умумий қилатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш; иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг долзарб йўналишларини ўрганиш ва улар бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун ишчи гуруҳлар ва келишув комиссиялари ташкил қилиш;

Бош вазир қотибятининг ўрнак қўрсатган бошқарув ҳодимларини натижадорлик асосида қўшимча рағбатлантириш учун маблаглар миқдорларини белгиласи.

8. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) бир ой муддатда:

Бош вазир ўринбосарларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш;

Бош вазир қотибятининг штат жадвалини тасдиқлаш;

Бош вазир қотибяти тўғрисидаги, унинг барча бўлимлари функциялари, ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини батафсил белгилаб берувчи низомни ишлаб чиқиш;

Бош вазир қотибятининг янги ташкил этилган таркибий бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

фаолияти тугатилаётган таркибий бўлимларининг ҳодимларини вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларда раҳбар ва масъул лавозимларга тайинлаш бўйича чоралар қўрсин, зарур ҳолларда тақлиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб ихчам, профессионал бошқарув тамойилларига асосланган ва самарадорликка йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларни ўз ичига оладиган яхлит тизимини шакллантириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

10. Белгилансинки: вазирлик — тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб қўчуви ва амалга оширувчи, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни яқкабошчилик асосида ташкил этидиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

қўмита — тегишли соҳа ичидаги тармоқ фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни коллегиял асосда ташкил этидиган, шунингдек, вазирлиқнинг ташкилий бўйсунувига фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

агентлик — асосий вазифаси сифатида тегишли соҳада давлат хизматларини қўрсатиш ва қўнунчилик ҳўжатларида назарда тутилган бошқа ҳўқўқни қўллаш функцияларини амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунувига фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

инспекция — асосий вазифаси сифатида тегишли соҳа ва тармоқларда давлат назорати ва текширувни амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунувига фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади; қўнунчилик ҳўжатларига мувофиқ алоҳида макрога эга ҳамда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган қўмита, агентлик ва инспекциялар ташкил этилиши мумкин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан, вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартириш бўйича тақлифи маъқуллансин.

12. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси тизимини қуйидаги вазирликлар ташкил этади: Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги; Иқтисодиёт ва молия вазирлиги; Тоғ-қон саноати ва геология вазирлиги; Қўриқлиш ва уй-жой коммунал ҳўжаллиги вазирлиги; Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги; Табиат ресурслари вазирлиги;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги; Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги;

Сув ҳўжалиги вазирлиги; Рақамли технологиялар вазирлиги;

Адлия вазирлиги; Транспорт вазирлиги;

Маданият ва туризм вазирлиги; Мудофаа вазирлиги;

Энергетика вазирлиги; Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ташқи ишлар вазирлиги; Ички ишлар вазирлиги;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

13. Қуйидагилар:

2023 йил 1 январдан бошлаб қайта ташкил этилаётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ;

2023 йил 1 январдан бошлаб вазифа ва функциялари тегишли вазирлик ва идораларга ўтказилган ҳолда тугатилаётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ;

2023 йил 1 январдан бошлаб ташкилий бўйсунуви ўзгараётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, мазкур Фармон доирасида штат бирликларини мақбуллаштириш натижада бўшайдиган маблаглар ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади.

14. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) бир ҳафта муддатда:

ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этилаётган республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар режа-график; республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини тартибга солувчи намунавий низомни тасдиқласин.

Бунда, республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари масъулият доираси ҳамда республика, вилоят ва туман даражасидаги бўлимларнинг вазифа ва функцияларини аниқ чегаралаш, шунингдек, ҳудудлар кесимида фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда иш кўрсаткичлари (индикаторлари) белгилансин.

15. 2023 йил 1 январдан бошлаб республика ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали иш фаолиятини йўлга қўйиш учун масъулиятини янада ошириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳар бир республика ижро этувчи ҳокимият органининг йил давомида эришиши зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) белгиланади;

республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ҳар йил бошида ўзининг ўринбосарлари кесимида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қилади;

ҳаракатлар дастурига асосан республика ижро этувчи ҳокимият органининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш бўйича ҳудудий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қилади;

республика ижро этувчи ҳокимият органи ва унинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари йил якунига қадар ҳаракатлар ва ҳудудий ривожланиш дастурлари амалга оширилиши ва мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш ҳолати юзасидан ҳисобот бериши ва очиқ эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилади.

Белгилансинки, республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда жамоатчилик олдиди бевосита ҳисобдор бўлади.

16. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг институционал мустақиллигини ошириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкилий тузилмаси, штат бирликлари ва раҳбар ўринбосарларининг сони, шунингдек, фаолият йўналишлари белгилаб берилади.

Бунда: марказий аппарат ва ҳудудий бўлимлар тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаш амалиёти бекор қилинади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлирга ажратилган маблаглар доирасида ҳамда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда марказий аппарат ва ҳудудий бўлимларнинг тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш ҳўқўқи тақдим этилади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлирга ҳудуддаги эҳтиёж ва шароитлардан келиб чиқиб, муайян вилоят ёки туман (шаҳар) бўлимларини ташкил этиш ёки уларни туманлараро (вилоятлараро) шаклда тузиш ваколати берилади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда республика ижро этувчи ҳокимият органлари тузилмасида ташкил этилиш мажбурий бўлган бўлим ва лавозимлар рўйхати, уларга бўлган мезонлар ҳамда раҳбар ва ижрочи ҳодимлар ўртасидаги нисбат бўйича меъёрларни белгилашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигининг кенгаши мазкур Фармон амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш учун масъул этиб белгилансин:

ижро этувчи ҳокимият органлари штат бирликлари, шу жумладан, раҳбар лавозимларини 30 фоизгача мақбуллаштириш ва адолатли меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш; маъмурий ислохотлар доирасида трансформация қилинаётган ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур Фармонда белгиланган янги талаблардан келиб чиққан ҳолда самарали фаолиятини йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 21 декабрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланғич 1-бетда

2. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлимлари масъулиятини ошириш мақсадида республика ва маҳаллий даражадаги бўғинларнинг қуйидаги функционал чегараси белгилансин:

а) республика ижро этувчи ҳокимият органлари:

тегишли соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини таъминлайди ҳамда бу борада маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди;

хисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини қўриб чиқади, уларга давлат хизматларини қўрсатади ҳамда ҳудудий бўлимларининг халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва умумлаштириш;

ўз тизимида ва ташкилий бўйсунувига қирадиган ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолашнинг мақсадли кўрсаткичларини белгилайди ҳамда уларга эришиш ишларини мувофиқлаштириш;

ҳўқўқли тартибга солиш функцияси доирасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади (вазирлик тизими ёки ташкилий бўйсунувига қирадиган ижро этувчи ҳокимият органлари бундан мустасно) ҳамда қўнунчилик ҳўжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

жойлардаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ўз ваколати доирасида ҳўқўқли тартибга солиш ва назорат функцияларини амалга ошириш;

тегишли тузилмаларни малакали кадрлар билан тўлдириш, уларнинг билим ва кўникмаларини узлуксиз оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга ошириш;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашининг муносиб ва адолатли шарт-шароитларини яратди;

б) ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлимлари:

тегишли ҳудудда соҳа бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда белгилаб берилган мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

жойларда ижтимоий ва иқтисодий ҳолатни таҳлил қилган ҳолда, аҳолини қўйнаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

жойларда қўнунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва бошқа қўнунчилик ҳўжатларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайди;

хисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини қўриб чиқади ва уларга давлат хизматларини қўрсатади ҳамда ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда давлат назорати тадбирларини амалга оширади.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари бир вақтнинг ўзига ҳўжалик бошқаруви органларининг раҳбари вазифасини бажариши тақимланади;

уюшма ва бошқа ҳўжалик бирлашмаларига давлат ҳокимияти ваколатларини бериш ва уларнинг раҳбарларини Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан лавозимга тайинлаш амалиёти бекор қилинади.

4. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида тегишли соҳага оид Давлат бюджетни параметрларини шакллантиришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин: ҳар бир республика ижро этувчи ҳокимият органи томонидан тегишли соҳани ривожлантириш юзасидан ўрта муддатли дастур (концепция, стратегия) (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқиладиган ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идораларга ажратилган маблагларнинг чекланган миқдори доирасида келгуси йиллар учун Дастурда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

белгиланган устувор йўналишлар асосида соҳани йиллик молиялаштириш ҳажмлари ишлаб чиқиладиган;

вазирлик ва идоралар томонидан Дастурда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилган бюджет суровлари билан ҳаракатларнинг чекланган миқдори ўртасида номуносаблик юзага келганда, унга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида аниқлик киритилади;

Вазирлар Маҳкамаси вазирлик ва идоралар кесимида уларга Давлат бюджетидан ажратилиш кўзда тутилаётган маблаглар доирасида Дастурда белгиланган мақсадларга эришиш кўрсаткичлари белгиланганини таъминлайди.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси молия йилидан бошлаб, Давлат бюджетни параметрларни тасдиқлангандан сўнг вазирлик ва идораларнинг ҳаракатлар сметасини рўйхатга олишда маблагларни сарфланиши юзасидан барча маълумотларни ҳаракатлар иқтисодий таснифнинг моддаларига ажратмасдан фақат ҳаражат гуруҳлари бўйича ажратилишини таъминлайди;

вазирлик ва идоралар бюджет ва бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши ҳамда маблагларнинг сарфланиши юзасидан барча маълумотларни ҳаракатлар иқтисодий таснифнинг моддаларига кесимида ўзларининг расмий веб-сайтларида очиқ эълон қилиб боради ва Олий Мажлис палаталари олдиди ҳисобот беради.

6. Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида барча республика ижро этувчи ҳокимият органларининг қарийб 5 минг функциялари хатловдан ўтказилиб, 500 га яқин тақдорлангандиган, ўз аҳамиятини йўқотган ҳамда амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган функциялар аниқланганлигини инобатга олган ҳолда республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очиқ реестрини (кейинги ўринларда — Функциялар ягона реестри) шакллантириш ва уни доимий юритиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда: Функциялар ягона реестрига киритилган ҳар бир функция бўйича уларни республика, вилоят ва туман (шаҳар) кесимида амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, молиявий-иқтисодий ва кадрлар ресурслари билан таъминланганлиги ҳолати акс эттирилсин;

амалга ошириш механизми бўлмаган функцияларни зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, молиявий-иқтисодий ва кадрлар ресурслари билан таъминлаш, ўз аҳамиятини йўқотган функцияларни эса бекор қилиш бўйича тақлифлар киритилсин;

қўнунчилик ҳўжатлари билан ижро органларига юқлатиладиган функциялар бир вақтнинг ўзига мажбурий тарзда Функциялар ягона реестрига киритилиб, тақдорланувчи функциялар бекор қилинсин;



ИНСОН ҚАДРИНИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ УЛУҒЛАШ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА ПАРЛАМЕНТ МАСЪУЛИЯТИ



Акмал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари

Бошланғичи 1-бетда

“Аввал инсон, кейин жамият ва давлат” ғоясини Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга сингдириш

Сўнгги 6 йилда “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий қойдани ҳаётга татбиқ этиш, барча муҳим қарорларни бевосита халқ билан мулоқот асосида қабул қилиш Янги Ўзбекистонимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода, халқ билан доимий мулоқот қилиш парламент ва барча давлат органлари фаолиятининг мезонини ташкил этади. Конституциявий комиссия ўз фаолиятини, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар бир ватандошимиз конституциявий ислохотларга дахлдор бўлиши, янгиланаётган Асосий қонунимизни “**Бу — менинг Конституцияям**”, деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши ҳамда “**Жамият — ислохотлар ташаббусқори**” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, халқ билан бевосита мулоқот асосида олиб бормоқда.

Этти ой давомида Конституциямиз лойиҳасини тайёрлаш ва унинг умумхалқ муҳокамаси даврида фуқаролар, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий-таҳлилий марказлар, ҳуқуқшунослар томонидан 220 мингдан зиёд тақлиф келиб тушди. Ушбу тақлифларнинг ҳар бири устида депутатлар, сенаторлар, сиёсий партиялар вакиллари, олимлар, экспертларнинг қизгин муҳокамалари давом этмоқда.

Яъни бу **бир томондан**, Конституциявий комиссия фаолиятидаги очиклик ва ошқораликдан дарак берса, **иккинчи томондан**, маъно-мазмунли инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, **Янги Ўзбекистонга мос бўлган конституциявий ислохотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутаётганидан далолат беради**. Бу, шунингдек, сўнгги йилларда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, қонуний ҳақлари ва манфаатларини таъминлаш, шахсий масъулият, баргирекчилик ва имкониятлар тенглиги, хусусий мулк дахлсизлиги, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш каби асосий тамойил ва ғоялар юртимиздаги самарали ислохотлар натижасидир.

Конституциявий комиссия **Асосий қонунимиз инсон қадрини юксалтириш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга оширишга хизмат қилишига эътибор қаратиб келмоқда**. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентимиз, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, маҳаллаларнинг ролини янада кучайтириш асосий диққат марказида бўлди.

Маъмурий ислохотларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш

Мурожаатномадан келиб чиқиб, депутатлар ва Конституциявий комиссия **маъмурий ислохотларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада чуқурлаштиришга** алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Биринчидан, миллий парламентимизнинг иш услубини тубдан яхшилаш, фаолият самарадорлигини ошириш, соҳалар бўйича Сенат ва Қонунчилик палатасидаги мавжуд қўмиталар ва комиссияларнинг тегишли вазирликлар ва давлат органлари билан белгилаб олинган умумий мақсадларга эришишда келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш. Бунда, Президентимиз таъкидлаганидек, депутатлар ва вазирларга қайси йўналишда ёки ҳудудда иш яхши кетмаётганини қўрсатиши, қамчиликлар бўйича жойига чиқиб, аҳоли фикрини ўрганиб, масалалар биргаликда ечим топиши, шунингдек, вазир фаолиятини самарали ташкил этишда парламентдаги қўмита, комиссия ва депутатларнинг масъулиятини белгилашга ҳам алоҳида эътибор бериллади.

Иккинчидан, иҳчам ва самарали, хусусий ташаббусларни қўллаб-қувватловчи ва аниқ натижага ишлайдиган давлат бошқарув

тизимига ўтиш. Бунда ҳукумат иш услуби тубдан ўзгариши зарурлиги, биринчи босқичда, вазирлик ва идоралар сонни ҳозирги 61 тадан 28 тага камайтирилиши, давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоиз қисқариши назарда тутилади. Иҳчам, самарали янги давлат бошқарувининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш лозим.

Учинчидан, давлат органлари, вазирликлар фаолиятида очиклик, қонунийлик, натижадорлик ва сифат асосий мезон бўлишини таъминлаш, шунингдек, ҳар бир вазирлиқнинг тегишли соҳада давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, тармоқ таркибидagi қўмита, агентлик ва инспекцияларга самарали раҳбарлик қилиш борасидаги масъулиятини ошириш. Бунда ҳар бир вилоятдаги муаммоларни ечиш учун ҳар ойда жойига чиққан ҳолда “**Ҳукумат кўни**” ўтказилишини йўлга қўйиш, вазирлар ҳар йилнинг бошида жамоатчилик олдида соҳадаги режаси ва йил якуни билан унинг натижаси бўйича ҳисобот бериш тартибини қонуний мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Тўртинчидан, давлат бошқарувида но-марказлаштириш тамойилини кенг жорий этиш, яъни ваколатларни марказдан жойларга ўтказиш, ҳудудлардаги маҳаллий бошқарув тизимини ислох қилиш. Шу ўринда дунё танийдиган мегаполис, халқаро туризм ва бизнес марказига айланаётган **Самарқанд шаҳри** ҳамда sanoat, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топаётган **Наманган шаҳри**ни алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида республика бўйсунувида ўтказиш назарда тутилди.

Шундай қилиб, маъмурий ислохотлар “**Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак**”, “**Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак**”, деган конституциявий принциплари ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади. Буюк аждодларимиз айтганидек, **раҳбар халққа юк бўлмаслиги, аксинча, халқнинг юкни елкасига олиши керак**. Шунинг учун ҳам давлат хизматчиларини танлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш масаласида, аввало, **инсоф ва виждон, имон ва эътиқод, дённат ва меҳр-оқибат деган тушунчаларни ўзига бегона деб билмайдиган инсонларга** алоҳида эътибор қаратиш, ҳодимларнинг ишга, ўз вазифасига нисбатан масъулиятини ошириш, нопок йўлда юрганларини юридик жавобгарликка тортишга эътибор қаратилмоқда.

“Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” конституциявий тамойили

Президентимиз таъбири билан айтганда, “**ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, қамбағалликни қисқартириш демокдир**”. Бу, ўз навбатида, Конституциямизнинг янада **ижтимоийлашувини** ҳам англатади.

Мамлакатимизда адолатли ва манзилли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш борасидаги ишлар нафақат жадал суръатлар билан ривожланимоқда, балки сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган. Бу борада таълим-тарбия ва илм-фан, маданият ва спорт, адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох этиш ва тақомиллаштириш, тиббиёт соҳасини чинакамига инсон дардига дармон бўладиган, юқори самара билан ишлайдиган тизимга айлантириш борасидаги ишларни нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда.

Хусусан, сўнгги олти йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етди ҳамда бу қўрсаткич ва бу борадаги давлат сиёсати яқинда ЮНЕСКОнинг мактабгача таълим бўйича Тошкентда ўтказилган **жаҳон анжумани**да юксак эътироф этилди. Келгуси беш йилда бу қамровни 80 фоизга етказиш ва бунинг учун 600 минг янги боғча ўрни яратиш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, **олий ўқув юртлари сонини 2,5 баробар қўлайиб, 198 тага етди, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди**. Бу қўрсаткичларни нафақат ошириб бориш, балки жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини юксалтириш, муаллимларнинг шароитини яхшилаш, мактабларда ва олийҳўрларда таълим сифатини ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш мақсад қилинган. Шунингдек, “**ўқитувчиларнинг мақоми, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини**” ҳамда **қўнунларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши** Конституцияда алоҳида белгиланган вазифаси қўйилди.

Мурожаатномада ушбу масалалар “**депутат ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчилиқнинг амалий ҳаракатига айланиши кераклиги**” қўрсатиб ўтилди. Зеро, юртимизда **Учинчи Ренессанс** пойдеворини барпо этиш вазифаларини самарали ҳал этишга қодир замонавий илмларга эга, бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз келажagini ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлиларни етиштириш ва қўллаб-қувватлашни талаб этади. Шу маънода ҳам **Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция таълим ва тарбияни конституциявий қўллаб-қувватлашдир**.

Ушбу йўналишда халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш,

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, беғул тиббий ерданинг ка-фоплатланган ҳажмини қонун билан белгиллаш, акратилаётган маблаглар ҳар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий сугуртасига ўтишни тезлаштириш, соғлиқни сақлаш соҳа-сида давлат-хусусий шериклик тамойилини кенг жорий этиш, жамиятда **соғлом ҳаёт тар-зи маданиятини** шакллантириш каби дол-зарб вазифалар ҳам белгилан берилди.

Шунингдек, Президентимиз жамияти-миздаги барча жараёнлар тинчлик ва **осойишталик** пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия кўр-ғони бўлган миллий демократик ин-ститут — маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топиши зарурлигини таъкидлаб, давлат инвестиция дастурла-ри маҳалла даражасига туширилишини қўрсатиб ўтди. Маҳалла ўзининг муаммо-сини мустиқл ҳал этиши учун “**Маҳалла бюджети**” тизими жорий этилиши, **2023 йил 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзидa қилиши борасида қўрсатмалар берди**. Албатта, ушбу вазифалар Консти-туциямиз, Бюджет кодекси ва бошқа қо-нунларда ўз аксини топиши зарур ва бу борада депутатларимизга алоҳида масъу-лият юклатилди.

Шу билан бирга, Конституциямизга аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва уй-жойга эга бўлиши тўғрисидаги янги моддаларни киритиш, “**Менинг бирин-чи уйим**” ипотека дастурини йўлга қўйиш, унинг доирасида, биринчи навбатда, турар жойга ҳтқиёби бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этиш масалалари устувор вазифалар сифа-тида белгиланди.

Тилга эътибор — конституциявий мажбурият

Конституциямизнинг юртимиздаги де-мократик ўзгаришлар жараёнини мафку-равий, ғоявий жиҳатдан таъминлашдаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Юртимизда Асосий қонунимизга таянган ҳолда “**Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият**” ва “**Жаҳоллатга қарши — маъри-фат**” тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқилди. Миллий қадрият-ларимизни янада ривожлантириш, **ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини** ошириш доимий кун тартиби-мизда турибди. Бунда, айниқса, **қонунлар бевосита давлат тилида қабул қилиниши** (Конституциянинг 87-моддаси) парламент олдида турган энг асосий вазифадир.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бундан **100 йил** муқаддам ҳам миллат, Ватан, тил, адабиёт ҳаёт ва мамот масаласи сифати-да кун тартибига чиққан эди. Зеро, азалдан маърифатпарвар боболаримиз фаолияти, жадидчилик ҳаракати марказида айнан мил-лий тараққиёт, миллий-замонавий маданият-маърифат ва таълим-тарбия, ундан кейин-гина иқтисод ва сиёсат масалалари турган. **Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”**, деган жумлалари фикримиз исботидир.

Жадидлар миллатнинг миллатлиги унинг она тили, ушбу тилга бўлган муно-сабати ва унда яратилган адабиётда акс этишини эътироф этган, шунингдек, таълим тили — миллий ўзликни англаш, мафкура, тарбия ва умумтаълим тизимининг асоси, деб билган. **Абдулла Қодирий** чинакам замонавий роман жанрига, **Маҳмудхўжа Бехбудий** театр драмасига асос солган бўлса, **Абдулҳамид Чўпоннинг** машҳур “**Адабиёт яшаса — миллат яшар**” шиори миллат қалбидa акс-садо берган.

Ушбу ғоялар Президентимизнинг Муро-жаатномада айтган: “**Болаларимиз мак-табдан она тили ва чет тилларни пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўр-ганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим**”, деган қўрсат-маси ҳамда она тилимизнинг мақоми

Давр нафаси



Коррупцияга қарши кураш борасида ҳар бир вазир ва ташкилот раҳбарининг ўзи раҳ-барлик қилаётган соҳага ажратилган маблаг-ларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйи-ча шахсий жавобгарлигини ошириш, сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман, коррупцияга имкон яратадиган барча бўш-ликларга барҳам бериш кабилар навбатдаги долзарб масалалар сифатида қайд этилди.

Бу борада депутат ва сенаторлар, маҳал-лий кенгашлар аниқ соҳаларни тизимли таҳ-лил қилиши, ўз округидаги бюджет ҳисобидан амалга оширилаётган қурилишлар, икти-моий ва иқтисодий лойиҳалар бажарилиши мониторингини қўчайтириши коррупцияни бартараф этишнинг муҳим омили бўлиши таъкидланди. Шунингдек, **коррупцияга қар-ши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, конституциявий-ҳуқуқий асослар яратилиши** белгиланди.

Ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги конституциявий масъулият

Биз ҳар томонлама авж олаётган глобал-лашув, шиддатли ўзгаришлар содир бўлаёт-ган мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугун бундан юз йил олдин унчалик кўзга ташлан-маган янгидан-янги — атроф-муҳит, иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар умум-башарий тус олмоқда. Уларга ечим топиш нияҳида долзарб бўлиб қолмоқда. Бу, ўз навбатида, **жаҳон конституцияларининг глобаллашувига олиб келмоқда**.

Масалан, Орол денгизининг қуриши бил-лан боғлиқ вазият тобора кескинлашмоқ-да. Албатта, бундай глобал аҳамиятга эга муаммоларнинг ечими, авваламбор, **Кон-ституциямиз ва қонунчилигимизда ўз ак-сини топиши зарур**.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбуйидаги экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қи-лиш бўйича резолюциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тад-бирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, БМТнинг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган **Жаҳон эколог-ия хартиясини** ишлаб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатимизни қўжайтирмоқдамиз. Зеро, экологик муаммоларни ҳал этишда дунё ҳамжамиятининг куч ва имкониятлар-ни бирлаштириш, саъй-ҳаракатларни уй-ғунлаштириш, глобал муаммоларнинг мил-лий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш зарур. Шу боис, Президентимиз:

- жамиятимизда, айниқса, маҳаллалар-да табиятимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш маданиятини шакллантиришни умуммиллий амалий ҳара-катга айлантириш;
- экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларини, хусусан, “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси доирасида-ги ишларни қўжайтириш;
- Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захира-ларини муҳофиза қилиш бўйича талабларни мустаҳкамлаш;
- сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суюрши хизматларини ривожлантириш, арик, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилиши;
- қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни қатъий давом эттириш, соҳага янги инно-вация агротехнологияларни кенг жорий этиш, яратилаётган янги деҳқон ҳўжаликларини ҳақиқий ер эгасига айлантириш;
- соҳанинг конституциявий-ҳуқуқий асос-ларини янада ривожлантириш масалалар-инг долзарблигига урғу берди.

Жамиятнинг иқтисодий негизлари ва конституциявий иқтисодиёт

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлан-тириш, унинг рақобатбардошлиги ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратил-ган иқтисодий сиёсатнинг халқимиз турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қи-лаётганини нафақат фуқаролар, балки хал-қаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда.

Бунда “**конституциявий иқтисодиёт**”ни шакллантиришга алоҳида урғу берилмоқ-да. Зеро, иқтисодиёт инсон фаолиятининг асосий соҳаларидан бири сифатида жа-миятда ўрнатилган қонунчилиқдан ташқа-рида мавжуд бўлолмайди ва ўз навбатида, иқтисодий тизимнинг ўзгариши шароитида шаклланган ҳуқуқий муносабатлар иқтисо-дий ислохотларнинг изчил ривожланишини таъминлайди. Шу маънода, **Янги Ўзбекис-тоннинг ривожланиш жараёнини консти-туциявий иқтисодиёт нуқтаи назаридан баҳолаш лозим**.

Бугунги кунда “**Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади**” тамойили иқтисодий ислохотларнинг ўзатини ташкил этиб, **тадбиркорликка тўқсиллик қилиш давлат сиёсати**га, Президент сиёсатига **тўқсиллик қилиш**, деб баҳоланмоқда. Шу асосда қулай ишбилармонлик ва инвести-ция ҳаётга татбиқ этилишида барча депутатлар ва сенаторлар фаол бўлиши даркор.

Президентимиз тарқиқетимиз **кушан-даси бўлмиш коррупцияга қарши кураш** давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани-ни алоҳида таъкидлади. Утган икки йилнинг ўзидa **5 мингга** яқин мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тор-тилган. Шу билан бирга, бу борада айбдор-ларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чо-раларни қўриш, шу асосда жиноятчиликнинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар қўрилмоқда.

Коррупцияга қарши кураш борасида ҳар бир вазир ва ташкилот раҳбарининг ўзи раҳ-барлик қилаётган соҳага ажратилган маблаг-ларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйи-ча шахсий жавобгарлигини ошириш, сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман, коррупцияга имкон яратадиган барча бўш-ликларга барҳам бериш кабилар навбатдаги долзарб масалалар сифатида қайд этилди.

Бу борада депутат ва сенаторлар, маҳал-лий кенгашлар аниқ соҳаларни тизимли таҳ-лил қилиши, ўз округидаги бюджет ҳисобидан амалга оширилаётган қурилишлар, икти-моий ва иқтисодий лойиҳалар бажарилиши мониторингини қўчайтириши коррупцияни бартараф этишнинг муҳим омили бўлиши таъкидланди. Шунингдек, **коррупцияга қар-ши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, конституциявий-ҳуқуқий асослар яратилиши** белгиланди.

Янги Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли фаол аъзоси

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамия-тида ўзига муносиб ўрин эгаллашини таъ-минлаш борасида ҳам Конституциямизга таянган ҳолда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Марказий Осиёда-ги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар билан қўп қиррали ва ўзаро манфафати ҳамкорлиқни қўжайтири-шга асосий эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, **сўнгги 40 йилда дунё конституциялари интернационалла-шуви**, радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, иқтисодий ва сиёсий инқирозлар қўчайиши, давлатлар ташқи сиёсатга ўз таъсирини қўрсатаётгани ҳам айни ҳақиқатдир. Бу тен-денциялар, афсуски, Ўзбекистонимизни ҳам четлаб ўтмапти.

Бу шароитда Мурожаатномада мамлака-тимизнинг юрияттаган ташқи сиёсати изчил давом эттирилиши ҳамда қўйидаги вазифа-ларга устуворлик берилиши белгиланди:

- **Биринчидан**, депутат ва сенаторлар, маҳалла, нуруний, хотин-қизлар ва ёшлар фаолларининг фаолиятини энг бебаҳо олий неъмат — тинчлик ва осийишталикни қадр-лаш, оилалар, фарзандларимиз, келгуси авлодларнинг бахту қамолни учун бу улўғ бойлиқни асраб-авайлашга қаратиш. Шу мақсадда, хусусан, ёшларни ҳарбий-ватан-парварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртва меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият бериш зарур;
- **Иккинчидан**, юртимизда миллатлараро дўстлик, динлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий баргирекчилик муҳитини янада мустаҳкамлаш. Шу мақсадда **жамиятимиз-да ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бўзғунчи ёғ ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳо-лат эгаллашга йўл қўймайсизга қара-тилган миллий дастур қабул қилиш ва амалга ошириш керак**.

Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривож-лантириш, илмий-иқодий ташкилотлар, зиё-лиларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам устувор йўналишлардан бўлиб қолиши таъкидланди.

Шу ўринда яна бир муҳим масалалга тўх-талмоқдамиз. **2022 йил 14 декабрь кунин БМТ Бош Ассамблеяси Барқарор ривож-лаш мақсадларига эришини жадал-лаштиришда парламентларнинг ролини қўжайтириш тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан маъқуллади**.

Ушбу резолюцияни қабул қилиш тақлифи Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йилда БМТ Бош Ассам-блеясининг 75-сессиясида илгари сурилган эди. Резолюция қисқа муддатда Президен-тимиз ташаббусига кўра ушбу нуфузли таш-килот томонидан қабул қилинган **олтинчи ҳужжат** ҳисобланади. Бу БМТ тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳол.

Парламентлараро иттифоқ Бош коти-би Мартин Чунгоннинг таъкидлашча, “**Ушбу резолюция тарихда илб маротаба дунё парламентларининг Барқарор рив-ожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этишдаги роли, аҳамияти ва вазифа-ларини аниқ белгиллаб берган халқаро ҳуж-жатдир**”. У нафақат ижроия ҳокимияти, балки вакиллик ва суд ҳокимиятлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бизнес жамиятининг БРМга эришиш-даги ҳамкорлиги ҳамда биргаликдаги ҳаракатига асос бўлиши билан ҳам аҳа-миятлидир”.

Умуман, Мурожаатномадан келиб чиқиб, Президентимизнинг: “**Қанчалик қийин бўл-масин, танлаган йўлнииздан ҳеч қачон ортта қайтмаймиз**”. Қўзлаган марралари-мизга, албатта, етамиз. Бу йўлда нияти улўғ, қалби оқ, меҳнаткаш халқимизга **таянамиз**”, деган қаҳирига муносиб жа-воб беришимиз, ўнда белгиланган вазифа-ларни сидидилдан ва фидокорона ҳаракат қилиб бажаришимиз зарур.

Аминчилик, халқимиз, кенг жамоат-чилик, барча ҳокимият тармоқлари ва-киллари давлатимиз раҳбари ғоялари атрофида жипслашиб, бир тану бир ж



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ТАЪЛИМ СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ УЧУН ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ — МУҲИМ МАСАЛА

**Улугбек ТОШКЕНБОЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Таълим сифатини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи**

Янги Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштириш ислохотлари замирида ёш авлодга сифатли таълим-тарбия бериш орқали инсон капиталини ривожлантириш, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган жамиятни шакллантириш мақсади мужассам. Ўтган давр мобайнида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 2 та қонун, Президентимизнинг 3 та Фармони ва 2 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 11 та қарори қабул қилинди.

Ислохотлар самарадорлиги ва кўзланган мақсадларга эришишда бевосита ҳар бир ташкилотда мустаҳкам **ижро интизомининг** йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар қандай ҳужжат ёки қарорнинг ҳаётдаги **ижроси таъминланмаса**, ислохотлар натижаси юзага чиқмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Президентининг **2017 йил 21 апрелдаги** қарори ва ҳукуматнинг **2017 йил 18 июлдаги** қарори билан узлуқсиз таълим тизимида сифатни шаффоф ва адолатли баҳолаб борадиган мутлақо янги ва яхлит тизимни йўлга қўлиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси хузурида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди.

Янги тузилмага таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш, педагог кадрларга малака тоифаларини, нодавлат таълим ташкилотларига лицензиялар бериш, хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишни ташкил этиш жараёнларини илғор хорижий тажриба асосида йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, илк маротаба таълим ташкилотлари рейтингини аниқлаш, ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастур ва тадқиқотларда Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш ҳамда дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва миллий олий таълим муассасаларининг ушбу рейтингларга киришига ҳар томонлама қўмаклашишдек унга яқин долзарб вазифа юкланди.

Нодавлат таълим ташкилотлари сони 11 баробар ошди

Президентимиз 2017 йили Олий Маҳлисага Мурожаатномасида нодавлат таълим ташкилотларини очиш учун лицензия бериш тартибини соддалаштириш бўйича зарур вазифаларни белгилаб берган эди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ, 2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ ҲАМДА КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСЛАРИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИДА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА. ҲОЗИР УЛАРНИНГ СОНИ 1671 ТАГА ЕТДИ.

Ушбу вазифа ижросини сифатли таъминлаш юзасидан тизимдаги ислохотлар икки босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда 2017-2018 йилларда нодавлат таълим ташкилотлари очиш истагида бўлган тадбиркорлар учун нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартиби ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Лицензия учун талабгорлар томонидан топшириладиган ҳужжатлар сони **9 тадан 5 тага** қисқартирилди. Ушбу соддалаштирилган тартиб асосида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан белгиланган талабларга жавоб берадиган **5 мингдан** ортиқ нодавлат таълим ташкилотига лицензия расмийлаштириб берилди.

Натижада нодавлат таълим ташкилотлари сони **2017 йилда 512 тани** ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб **5787 тага** етди. Яъни сўнгги **беш йилда** қарийб **11 баробар** ошди. Жумладан, мактабгача таълим бўйича **2243 та**, умумий ўрта таълим бўйича **334 та**, профессионал таълим бўйича **2 та**, олий таълим хизматлари бўйича **67 та** лицензия расмийлаштириб берилган.



Малака тоифаси педагогик маҳорат ва психологик тайёргарликка кўра берилади

Президентимизнинг **2020 йил якунига** бағишланган Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилиб, янги тартиблар жорий қилинди.

Педагогларга кўпроқ қулайлик ва имконият яратиш ҳамда педагог кадрлар аттестацияси жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал

Вазирлик ва идоралар ҳамда таълим муассасалари миқёсидаги аттестация комиссияларини тузиш ва йилга икки марта таълим ташкилотларидаги педагог кадрларнинг таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси веб-сайти орқали тўғридан-тўғри ҳужжат топшириш имконияти яратилди.

Натижада **2022 йил** биринчи ярмида **280 минг** педагог аттестацияда иштирок этиш учун мурожаат йўндалган бўлса, **215 минг нафари** нав-



ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан янги низом тасдиқланди.

Ушбу қарорда келтирилган вазифаларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш ва таъсирчан механизмни яратиш бўйича **барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини** кучайтириш юзасидан аниқ йўналишлар белгиланган.

Унга кўра, ўқитувчилардан талаб қилинадиган ҳужжатлар сони **9 тадан 3 тагача** қисқартирилди. Педагог кадрларга қўғоз шаклидаги аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги сертификат бериш амалиёти бекор қилиниб, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган электрон шаклдаги сертификат бериш тартиби жорий этилди.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг “pedkadr.tdi.uz” платформаси UzASBO ҳамда мактаб бошқарув (ERP) дастурлари билан интеграция қилинди. Бу, ўз навбатида, тоифасини оширган ўқитувчилардан ҳеч қандай ҳужжат талаб қилмасдан, уларнинг иш ҳақини автоматик тарзда қайта ҳисоблаш ва тўлаб бориш имконини беради.

Малака синовлари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган хоналарда онлайн тарзда ўтказилмоқда. Маданият ва санъат йўналишидаги мутахассислик ва умумқасбий фанларда ижодий имтиҳон ташкил қилинмоқда. Барча ҳудудларда ўтказилган синовлар imtihn.tdi.uz сайти орқали бериб боришмоқда.

ларнинг **68 фоизи** ижобий натижани қайд этган.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ўтказилган аноним сўровномада иштирок этган **18 мингдан ортиқ** педагогнинг **92 фоизи 2022 йил** биринчи ярмида ўтказилган педагог кадрлар аттестацияси жараёнларини ижобий баҳолаган.

Хорижий дипломларни тан олиш жараёни соддалаштирилди

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига юклатилган навбатдаги муҳим вазифа хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳисобланади.

Сўнгги **ўн йилликда** бутун дунё олий таълим ташкилотларига қабулнинг мисли кўрилмаган ўсиши талабалар мобилингнинг ошиши фонида юз берди. Бу аста-секин талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг глобал кампуси пайдо бўлишига олиб келмоқда.

ЮНЕСКО таҳлилларига кўра, **2011 йилгача** бўлган **ўн йилда** ўз мамлакатидан ташқарида ўқишни танлаган талабалар сони икки баробардан ошиб, **4,3 миллионни** ташкил этди. Консерватив ҳисоб-китобларга кўра, бу кўрсаткич **2025 йилга** бориб яна **икки баробар** кўпайиши кутилмоқда.

Ўз навбатида, юртимиз ёшлари ўртасида ҳам хорижий давлатларда таълим олаётганлар сони ошмоқда. Уларнинг таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олишни замон талабларига мослаш, ортиқча қўғоз-бозилк ва оворагарчиликнинг олдини олиш мақсадида ушбу жараён ҳам такомиллаштирилди.

Илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, **2019 йил 24 июлда** Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур хизматни Давлат хизматлари марказлари орқали ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш тизими жорий қилинди, тақдим этиладиган ҳужжатлар сони **5 тадан 2 тага**, аризани кўриб чиқиш муддати **30 кундан 10 кунга** қисқартирилди.

Жараёни соддалаштириш, унда инсон аралашувини қамайтириш мақсадида илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, икки босқичли тизимдан воз кечилиб, фақат мутахассислик бўйича тест синовлари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар **ўнга яқин** ҳолда тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олиниши белгиланди.

Хусусан, халқаро тан олинган агентликлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингига олий таълим муассасалари орасида биринчи **1000 талақдан** жой эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжати тўғридан-тўғри синовларсиз тан олиниши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Россия ва Беларусь билан дипломлари ўзаро тан олиш бўйича ҳукуматларaro шартномалар имзоланди ва дипломларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз тан олинишига эришилди.

Қисқа муддатда мутлақо янги дастурий таъминот ишга туширилди, замон талабларига жавоб берадиган тестларни халқаро ва маҳаллий экспертлар ёрдамида тузиш ва татбиқ этиш масаласи ҳал этилди. Бугунги кунда синовларга келган талабгор **1 соатда 40 дақиқа** давоматда тестни топшириб, натижасини

ушбу заҳоти билиб кетади. Ижобий натижа кўрсатганларнинг сертификатлари эса Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юборилади.

Сўнгги тўрт йилда хорижий дипломларни тан олиш бўйича мурожаатлар **4,3 баробар ошган**. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан **2018-2022 йилларда** atm.gov.uz тизими орқали хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича **31 267 та ариза** қабул қилинган. Шундан **18 967** талабгор белгиланган тест синовларида иштирок этган.

Синовлардан муваффақиятли ўтган ҳамда ҳужжатлари тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олишга тавсия этилган **10 019** талабгорга сертификатлар расмийлаштириб берилган.

Илк маротаба таълим сифати халқаро даражада баҳоланди

Ижро интизомини мустаҳкамлашда тизимдаги **ҳар бир ҳодимнинг масъулиятини** ошириш, қатъий интизом ўрнатиш, уларда касбий ғурур, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ҳиссини уйғотиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг **2018 йил 8 декабрдаги** қароридан илк маротаба халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларда мамлакатимиз иштирокини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланган эди. Вазирлар Маҳкамасининг **2018 йил 8 декабрдаги** “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида PIRLS, TIMSS, PISA ва TALIS халқаро тадқиқотларига тайёргарлик қўрила бошлади.

2019 йил ноябрь ойда илк бор Жаҳон банки билан ҳамкорликда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, TIMSS халқаро тадқиқотлари саволлари асосида математика бўйича мактаб ўқувчиларининг билиминини ўрганиш бўйича синовлар ташкил этилди. Мазкур синовларда қайд этилган натижалардан Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда инсон капиталини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда фойдаланилди.

Дунё аҳолисининг **98 фоизи** истиқомат қилувчи **174 та** мамлакат қаторида илк маротаба иштирок этган Ўзбекистон **62 фоиз** натижа билан юқори ўрта даражадаги давлатлар қаторидан жой эгаллади.

Жорий йил апрель ойда Ўзбекистон мактабларида **4-синф** ўқувчиларининг матнни ўқиб тушуниш даражасини баҳолаш бўйича (PIRLS) халқаро тадқиқотлар ўтказилди. **2001 йилдан** бери ҳар **беш йилда** бир маротаба ўтказиб келинаётган ушбу тадқиқотларда мамлакатимиз илк маротаба дунёнинг **60 дан ортиқ** давлати қаторида иштирок этди.

2018 йилда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси хузурида Халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил қилиниб, унга умумтаълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда иштирокини таъминлаш вазифаси юкланди.

Бугунги кунга қадар халқаро тадқиқотларга тайёргарлик бўйича **14 та** ҳудудда **348 та** таълим мактаб белгиланиб, бошқа **9691 та** мактаб ушбу таълим мактабларга бириктирилди.

Ўтган давр мобайнида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ҳамда Таълимдаги ютуқларни баҳолаш халқаро уюшмаси (IEA) билан келишувларга эришилди, Ўзбекистон илк маротаба PISA, TALIS, PIRLS ва TIMSS халқаро дастурларида иштирок этмоқда.

PISA тадқиқотлари ҳар бир мамлакатга ўзининг кучли ва заиф томонларини дунё таълим тизими билан қиёслаш имконини беради. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этади, яъни инвесторлар мамлакатда билимли, малакали кадрлар борми, деган саволга бу тадқиқот натижалари орқали жавоб топади.

Ушбу тадқиқотлар орқали мамлакатимиздаги таълим тизими, таълим муҳити, таълимнинг ташкил этилиши, танқидий ва ижодий фикрлаш, эгалланган билимларни ҳаётда қўллай олиш қobiliятини, ота-оналарнинг фарзандлари таълимга эътибори ва уйда яратилган шароитлар бўйича атрофича илмий асосланган ва ишончли маълумотлар олишга эришиш кўзланган.

Соҳалардаги тарихий ўзгаришлар ва тўб ислохотлар замирида “**Одамлар эртага эмас, бугун яхши яшаш керак**”, деган шior мужассам.

Ҳар бир раҳбар етарли ваколатларга, ресурсларга эга ва ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг баҳарлиги учун “**Ишни жамoa бажаради, масъулият эса шахсий!**” тамойилига қатъий амал қилган ҳолда, шахсан жавобгардир. Зеро, шахсий масъулият, темир интизом, касбий ғурур ва профессионал маҳорат ижро интизомининг мустаҳкам пойдеворидир.





СИЙРАТ

МАҲОБАТЛИ ВА МАЗМУНДОР МАКТАБ

Атоқли давлат ва сиёсат арбоби, академик Оқил САЛИМОВ сиймосига чизгилар

Бошланиши 1-бетда

Олим ва олам

Одатда улугʻ одамлар, донишмандлар, жамият рамзига айланган шахслар ҳақида ўйлар экансиз, инсон, унинг моҳияти, одам ва одамият тўғрисидаги турли қарама-қарши фикрлар миямизда гўжгон ўйнайди. Юзаки қараганда, одам тузилиши жиҳатидан бир хил, бир-биридан фарқ қилмайдиган жонзот. Бироқ ақлий имкониятлари, тафаккур олами, кучли ирода ва руҳий қуввати билан қиёслаганда бир-бирини мутлақо тақрорламайди. Хусусан, интеллектуал имкониятлари юқори, тафаккур олами кенг одамлар ана шу табиий ва илоҳий салоҳиятлари билан замондошларидан алоҳида ажралиб туради. Улар буюк яратувчилик қобилияти, ноёб кашфиётлари билан жамият тарақиётида жиддий бурилиш ясади. Фан асосида ривожланишнинг кутилмаган қонуниятларини ишлаб чиқади. Олим ва олам уйғунлиги, тафаккур ва замон бирлиги ана шу тарзда юзага келади. Муайян соҳа ва ҳатто бутун жамият ҳаётида кескин бурилишларга йўл очади.

Олим сифатида О.Салимов ўзининг илмий мактабини яратди. 50 дан ортқ монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда 150 дан зиёд илмий мақолалар ёзди. 30 га яқин фан номзоди ва доктори етиштирди. Ноёб кашфиётлари, фавқуллодда ихтиролари билан ном чиқарди.

Собиқ иттифокда автомобиль ва тракторлар, асосан, Россияда ишлаб чиқарилаётгани сабабли улар кўпроқ шимол табиий муҳитига, совуқ ҳавога мос эди. Мамлакат жанубида, хусусан, Марказий Осиёдек иссиқ иқлимий ўлкада уларнинг қўлчана дош беролмаслигини ва самарадорлиги тушиб бораётганини тадиққотди, муҳандис-механик сифатида Оқил Салимов ҳаммадан олдинроқ пайқади ва ушбу масаланинг ечимини топиш каби долзарб илмий муаммо билан шугулланди. О.Салимов “ЗИЛ” автомобиллари давлати елисиқ ўқаларда самарали ишлаши билан боғлиқ илмий муаммони тадиққ этишга жиддий киришди ва иттифокда биринчи марта автотракторлар двигатели учун совитиш мосламасини кашф этди. Унинг бу илмий назарияси амалиётда умумиттифок миқёсида жуда катта самара берди. Автомобиль двигателини совитиш мосламасининг бир неча нусхасини яратди. Унинг муҳандислик ҳисоб-китобларини ишлаб чиқди. “ЗИЛ-120” автомобиль двигатели елисиқ ўқаларда қийналмай, бир маромда ишлашини таъминлади. Ана шу тарзда ушбу кашфиёт тез орада бутун иттифок бўйлаб қанот ёзди. Мавжуд барча автомобиль ва тракторлар давгителлари Салимов совитишлари билан жиҳозлангилриди. Бу О.Салимовнинг техника фанидаги ўзига хос кашфиёти эди.

Утган асрнинг 50-йилларида автомобиллар двигатели ёқилги томчиллаш усулида ишлар эди. Ёъни давгител ишлаш жараёнида унга ёқилги томчилаб узатилар эди. Табиийки, бунда ёқилги сарфи ниҳоятда катта бўлади.

Профессор О.Салимов машинасозлик соҳасидаги ушбу долзарб муаммо билан жиддий шугулланди ва иттифок миқёсида тасаввурга сиймайдиган кашфиёт қилди. Ёъни давгителга ёқилгини пуркаш механизмининг кашф этди. Натижада бир томчи ёқилги бир неча марта пуркаш усули билан давгителни кўпроқ юргизар эди. Айни пайтда у енгил ва қийналмай ишлаш имкониятига эга бўлди. Пировардида, давгителнинг умри узайди, иш самарадорлиги кескин ошди. Катта миқдорда ёқилгини тежаш билан боғлиқ бўлган янгиллик юзага келди. Илмий асосланган хулосаларга кўра, давгителни ёқилги томчиллаш усулидан воз кечиб, пуркаш усулига ўтказиш йигирма фоиз ёқилгини тежаш имконини беради. Буни бутун иттифок ҳудудида ишлатилаётган барча автотракторлар сони билан қиёслаганда, бир кунда мамлакатда минглаб тонна ёқилги иқтисод қилинади. Транспорт воситалари самарадорлиги эса кескин ошиб, уларнинг хизмат қилиш муддати узайди.

Қалб даъвати

Оқил Салимов узок йиллар Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетида фан ва ўқув юртлари бўлими мудирини ўринбосари, бўлим мудирини, мафкура ва маданият масалалари бўйича марказий комитет котиби бўлиб ишлади. Ана шу давр унинг жуда катта сиёсат ва давлат арбоби, сиёсий жараёнлар мазмунини тоқиб тушунадиган, чуқур идрок



этадиган, истиқболини реал воқелик билан боғлиқ ҳолда прогностлай биладиган ноёб мафкурачи эканини кўрсатди. Замон ўта мураккаб, зиддиятли, ғоявий яккахукмронлик, мафкуравий зўравонлик режими чуқур илдиэ отган эди. О.Салимов ноёб сиёсий дипломатияси, оғир-вазминлиги, мушоадалилиги билан замондошлари ва сафдошларидан алоҳида ажралиб турарди. У ҳар қандай шароитда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, миллий қадриятларни асраш ва Ўзбекистон истиқболини белгилаш билан боғлиқ жиддий муаммоларни ҳал қилишда катта куч-ғайрат сарфлади.

Ўзбеклардек улкан тарихга, бой маданий меросга эга халқ ўз мавқеига эга, иттифокдош республикалар орасида Ўзбекистоннинг нуфузи юқори бўлиши керак эди. У масалага ана шундай ёндашди.

Ўзбекистонни ва ўзбекларни иттифок доирасидан ташқарида, жаҳон ҳамжамиятида бутун салмоғи ва қўлами билан кўрсатиш учун имконият доирасида барча чораларни қўришга интилди. Биргина мисол. О.Салимов ташаббуси ва ўша пайтдаги республика раҳбари Ш.Рашидовнинг қўллаб-қувватлаши билан Осиё, Африка мамлакатлари кинофестивалини ўтказиш йўлга қўйилди. Бу фестивал вақт ўтгани сари кенг миқёс касб этди ва аъъанавий мақомга эга бўлди. Фестиваль иштирокчилари сони мунтазам ошиб борди, Лотин Америкаси мамлакатлари ҳам унда иштирок этиш истгани билдириди. Натижада ушбу фестиваль Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалига айлангилриди. Айни ана шу фестиваль кунларида Ўзбекистон тарихида ҳеч қачон бўлмаган ҳодиса юз берди. Жумладан, ўша кунлари “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетаси саҳифалари кескин оширилиб, уч тилда — ўзбек, рус ва инглиз тилларида алоҳида-алоҳида нашр этилди. Бутун дунё нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди. Тошкент жаҳон кино санъатининг таянч нуқтасига айланди. Бу жуда катта мафкуравий ҳодиса эди. Ўзбекистонни дунёга танитишнинг, миллий санъатини жаҳон миқёсига олиб чиқилишнинг ўзига хос йўли эди.

Оқил Салимов ташаббуси билан Осиё ва Африка ёзувчилари симпозиумини ташкил этиш ва уни доимий ўтказишга қарор қилинди. Бу симпозиум чинакам умумдунёвий адабиёт байрамига айланди. У дустлик ва ҳамкорлик, тинчлик ва барқарорлик жарчиси мақомига эга бўлди.

Мафкуравий ҳаёт — сиркаси сув кўтармайдиган, симоб парчасидек титраб турмайдиган беҳаловат ҳаёт. У зоҳиран босиқликни, вазминликни, чуқур мушоҳада билан ишлашни, катта тафаккур ва юксак дипломатияни тақозо этади. Ботинан эса қалбни жунбишга келтирадиган, ўй-хаёлларни тўфонга соладиган, кези келганда, қувончдан кўра изтироб билан яшайдиган ҳаёт. Хусусан, бундай ҳолат совет тоталитаризми шароитида ўзига хос драматик воқелик эди. О.Салимов эса ана шу зиддиятли жараёнда ўз мавқеини сақлай билди. Атрофдагиларга, хусусан, марказ раҳбариятига жуда катта интеллектуал салоҳияти, ақлий ва маданий имкониятлари, маънавий ва ахлоқий устунлиги билан таъсир ўтказса билди. Айни пайтда ана шу ғоятда қалтис жараёнда ўзини асраб, ҳимоя қила олди. Бу камдан-кам бўладиган ҳодиса. Бу жуда камдан-кам арбобларда бўладиган ноёб қобилият.

Ҳар қандай йўл билан турли шаклларда марказ билан муносабатни чуқурлаштириш асосида Ўзбекистон ва ўзбеклар манфаатини ҳимоя қилиш О.Салимовнинг кундалик шиори эди. Ана шу ички эҳтиёж, халқ ташвиши ва

миллат тақдири билан узвий боғлиқлик туйғуси республика бош мафкурачисининг безовтаю беором қалбининг маънавий эҳтиёжига айланган эди.

Устоз Оқил Салимов хулосаларига кўра, **мафкура жамият кайфиятини шакллантирадиган, ижтимоий фикрни уйғотадиган, халқни умумманфаатлари ҳимоя қилиш учун оммавий сафарбарликка даъват этадиган қудратли ҳодиса. Миллатни ўта оғир, ҳар қандай таҳдидли ҳолатлардан асрайдиган, ўзлигини ҳимоя қилишга қақирадиган маънавий-руҳий қудрат. Уни қудратли тўлқинга айлантириш учун мафкурачи заргарона қобилиятга эга бўлмоғи, одамларни ҳар бир сўзи, фикри ва ғоясига ишонтира олиб, уларнинг онига таъсир ўтказиши ва қалбини забт этмоғи лозим.**

Ўзбекистон СССРнинг хомашё базасига айлантирилди. Ер ости ва ер усти бойликлари марказга ташиб кетиларди эди. Миллат генофонди геноцидга учради. КПССнинг асосий ғояларидан бири барча миллатларни йўқ қилиб, сунъий урчитилган, тарихи, маданияти ва миллий қадриятларидан айрилган манкурт совет халқини вужудга келтириш эди. Бу сиёсатга қарши чиққан ҳар қандай сиёсий арбоби ҳайбатли қизил империя машинаси мажлаб тапшларди. Ундан ғолиб чиқиш, ўзини ва халқини асраш учун жуда катта ақл, сиёсий дипломатия, вазиятни аниқ ҳисобга олиб иш юритиш талаб этиларди. О.Салимов ана шундай ғоят оғир, драматик шароитда ишлади. Интеллектуал салоҳиятини, сиёсий иродасини, кучли мафкурачилик қобилиятини намоён этди. Ўзбек халқини ва шаънини ҳимоя қилди. Уни асраб-авайлади.

Ўзбекистон болалар ўлими бўйича иттифокдош республикалар орасида биринчи ўринда, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича эса ўн туртинчи ўринда турар эди. Бундай шудҳи ҳолат, албатта, О.Салимовнинг қалб санчимига айланган эди. Натижада иттифок миқёсидаги қатор тегишли вазирилқларга мурожаат қилиб, Ўзбекистонда тиббиёт-педиатрия институтини тасъис этиш масаласини кўндаланг қўйди. Болалар соғлигини асраш ва миллат келажагини ҳимоя қилиш учун бутун имкониятини ишга солди. Албатта, бундай жиддий масалани ҳал қилиш ўша давр учун осон эмас эди. О.Салимов эса ўз аҳдидан қайтмади. Масала ҳал бўлмагунча тиним билмади. СССРнинг қатор идораларига қатнади. Натижада марказ раҳбарияти Тошкентда Ўрта Осиё тиббиёт-педиатрия институтини ташкил этишга розилик берди.

Ўзбекистонда қўриқ ва бўэ ерларни ўзлаштириш, шу асосда пахта етиштиришни кескин кўпайтириш Кремлнинг қатъий талаби эди. Албатта, бу талабни бажармаслик мутлақо мумкин эмас эди. Бироқ республика раҳбарияти, жумладан, О.Салимов ана шу топшириқни бажариш асносида таълим ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш чораларини кўрди. Натижада ўлкада иккита вилоят, эллиқдан ортқ шаҳар ва туман ташкил этилди. Жумладан, Сирдарё, Гулистон, Янгиер, Пахтакор, Дустлик, Гагарин, Навбахор, Ширин, Муборак сингари ўнлаб шаҳарлар дунёга келди. Уларда қўзлаб умумтаълим мактаблари, ўртамахсус билим юртлари, болалар богчалари, касалхоналар, поликлиникалар, кутубхоналар, кинотеатрлар қурилди ва фойдаланишга топширилди. Сирдарё, Жиззах, Навоий шаҳарларида вилоят театрлари ишга туширилди. Санъат ва маданиятни ривожлантиришнинг янги чора-тадибирлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ангрн, Гулистон,

Нигоҳ

Навоий педагогика институтлари, Жиззахда педагогика ва политехника институтлари, Бухорода озиқ-овқат технологиялари институти ва Тошкент тиббиёт институти филиали ташкил этилди. Қатор вилоятлар ва Қорақалпоғистонда Тошкентдаги етакчи олий ўқув юртлари филиаллари ишга туширилди. Тошкентда иттифокда ўхшаши бўлмаган Халқлар дустлиги санъат саройи бунёд этилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси хузорида қатор илмий-тадиққот институтлари ташкил этилди. Айниқса, аниқ ва табиий фанлар билан шугулланадиган илмий-тадиққот институтларида амалга оширилган ишланмалар дунё миқёсидаги кашфиёт мақомини олди. Олимларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадибирлари кўрилди. Жумладан, Тошкентда академиклар шаҳарчаси, профессорлар шаҳарчаси, талабалар шаҳарчаси деб номланган турар жой мавзёлари бунёд этилди.

Оқил Салимов улкан сиёсат ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистон халқини ижтимоий-иқтисодий тарақиётга сафарбар эта олди. Эркинлик, эркин меҳнат ва ижод қилиш, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш муҳитини вужудга келтирди. Ана шундай бунёдкорлик кайфиятини ҳимоя қиладиган, унга маънавий мадад бўладиган, руҳий кўтаринкилик бахш этадиган мафкуравий муҳитни чуқурлаштирди ва уни моҳирона бошқарадиган кучли механизм яратди олди. Бу О.Салимовнинг республика бош мафкурачиси сифатидаги катта тарихий хизмати эди.

Миллий қадриятларга, турмуш тарзимидаги азалий урф-одатлар ва абадий аъъаналарга эскилик сарқити, хуфотқ деб қаралди, улар бидъат деб баҳоланди. Адабиётимизнинг йирик намояндаси, атоқли ёзувчи Пиримқул Қодиров Захириддин Мўхаммад Бобур ҳақида “Олдузли тунлар” романини ёзгани учун таъқибга олинди. Бобурга феодал даври подшоиси, қонқўр ва босқинчи деб қаралди. Шунинг учун П.Қодировнинг катта-кичи асарларини чоп этиш мутлақо тақиқланди. Ана шу даврда мафкура ўзлигидан айрилган миллатни, буюк тарихи ва маданиятини деб мосуво бўлган одамлар жамиятини қўришга хизмат қилди. Бошқача айтганда, у миллий ва маънавий террор воситасига айланди.

Яна бир тарихий ҳақиқат. О.Салимов республика бош мафкурачиси бўлиб ишлаётган даврда адабиётимизнинг бетакорр намояндалари, буюк замондошларимиз Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов адабиётга шиддат билан кириб келди ва ижодлари барқ уриб яшнади. Айтиш мумкинки, улар ўзбек шеърлятида тўнтариси ясади. Бироқ уларнинг ҳар иккови ҳам қаттиқ руҳий изтиробга тушган паллалар бўлди. Эркин Воҳидов “Ўзбегим” қасидаси учун, Абдулла Орипов “Тилла балиқча”, “Биринчи муҳаббатим” ва бошқа шеърлари учун бир неча марта оммавий қатагонларни ташкил этган Давлат хавфсизлик қўмитасининг қатъий назоратига олинди. Уларни **миллатчиликда айблаб, ижодида сиёсий баҳо беришни сураб, республика раҳбариятига мурожаат қилишди.** Айтиш мумкинки, бу ҳолат, бу сиёсий даъво ўта хатарли эди. О.Салимов юксак эътиқодли, миллат манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр турган сафдошлари Азиз Тўраев ва Саид Шермухаммедов билан бирга бу икки буюк шоирни ҳимоя қилди, уларни дахшатли жазодан сақлаб қолди. Бу ўша пайтдаги ҳукмрон сиёсат шароитида, Давлат хавфсизлик қўмитаси қилич яланқочлаб, одамларга таҳдид солаётган бир пайтда осон иш эмас эди. Чунки ушбу қўмита айблов эълон қилинган одамни ҳимоя қилган ҳар қандай шахснинг ўзини жазолаш тўғрисида ҳўкм чиқариши мумкин эди.

Даҳолик қудрати

Жаҳон адабиётининг йирик намояндаси, атоқли адиб Чингиз Айтматов “**Оқил Салимов шахсиятида икки фазилат — олимпик билан одамохунлик ажиб тарзда мукассамланган**”, деган эди. Дарҳақиқат, унинг феъл-атвори, юриш-туриши, одамларга муносабатида буюк зиёлиларга хос қатъи маданиятни, донишмандларга хос оғир-вазминлик ва мулоҳазакорлиқни, улкан арбобларга хос содда ва самимий муносабатни кўриш мумкин. Одамохунлик, суҳбатдошига ёши, маълумоти ва даражасидан қатъи назар, ҳурмат билан қараш фазилати ноёб ҳодиса. Устоз ҳатто ҳар қандай номаъқул, асоссиз тақлифларни ҳам диққат билан эшитади. Гапираётган одамга ҳурматини билдириб туради. Саракни саракка, пучакни пучакка ажратиш эса унинг кейинги иши бўлиб

қолади. Бунинг учун одамга жуда катта маънавий ва ахлоқий асос, маданият ва тарбия керак бўлади.

Буюк шахснинг юзага келишида ички ирода, улкан тарбия ва етук қамолот қувати, маиший ҳаётдаги қийинчиликлар, тўсиқлар, зарбалар ва турли маънавий-руҳий таъсирларни енга оладиган юксак ақлий салоҳият катта роль ўйнайди. Бундай пайтда ақл ва ирода инсонни барча офатлардан асрагучи ва буюк мақсад сари даъват этгучи беқиёс руҳий қувват вазифасини бажаради.

Инсон биологик-ижтимоий воқелик. Шахс эса тўлақонли ижтимоий моҳият тимсоли. Чунки ҳар қандай инсон жамият орқалигина, ижтимоий муносабатлар туфайлигина шахсга айланади. Ана шу ерда бошқача хулосага келиш мумкин: **ҳар қандай шахс — инсон, ҳар қандай инсон эса шахс эмас.** Инсоннинг шахсга айланиши учун унда қўлдан-қўл фазилатлар бўлиши лозим. Жумладан, у ҳаёт моҳияти ва ақл-заковатини бошқалардан кўра кўпроқ намоён этиш имкониятларига эга бўлмоғи керак. Энг аввало, ақл инсонни шахсга айлантирадиган муҳим восита сифатида ўзини намоён қилиши лозим. Бошқача айтганда, **ақл, тафаккурнинг устуворлигини ва беқиёс яратувчилик имкониятларини намоён қила олган инсонгина шахсга айланади.** Бунда инсон ўз-ўзини англаши, ўзини буюк мақсадлар сари йўналтира ва бошқар олиши, атрофдагиларнинг диққатини ўзига торта билиши ва уларга таъсир этиш жараёнида ўзини шахс сифатида намоён қилиши мумкин. Ана шу улкан имкониятлар О.Салимов феноменида мукассам!

Шахс тушунчасини “арбоб” сўзи билан ҳам изоҳлаш мумкин. Зотан, арбоб қайси соҳада бўлмасин, маданият, фан, ишлаб чиқаришдами, барибир, кенг қарашлари, қатъий ва асосли хулосалари билан алоҳида ажралиб туради. Ўзи бошқарётган ташкилот юқини осонлик билан кўтаран оладиган, унинг истиқболини аниқ кўра биладиган, барчаннинг ташвишу қувончларига шерик бўладиган фазилатларга эга. Раҳбарлик даражаси курсининг катта-кичиклиги билан ўлчанад, арбоблик эса булардан анча баяланд туради. Раҳбарлик хизмат вазифаси доирасида кўзга ташланади, арбоблик эса кенг ижтимоий моҳиятга эга. Ёъни жамият уни тўла, бутун борлигича эътироф этади, унга эргашади. Муайян ҳудуд, кенг маънода бутун мамлакатда табиий равишда алоҳида мавқега, мартабага эга бўлади. Бу шахс феноменининг энг ёркин, энг юксак даражасидир. Бунга мисол қилиб Азиз Тўраев, Исмоил Жўрабеков, Зокиржон Алматов, Убайдулла Мингбоев ва бошқаларни келтириш мумкин. О.Салимов эса ушбу шарафли рўйхатнинг бошида туради.

Оқил Салимов улкан давлат ва сиёсат арбоби, бетакорр шахс. У шарафли ва улугʻвор йўл — оддий олий таълим ўқитувчиси — тадиққотчиликдан иттифок миқёсидаги сиёсат арбоби ва мамлакатнинг бош мафкурачисигача бўлган масофани босиб ўтгани барчамиз учун маҳобатли, мазмундор мактаб.

Шахс, арбоб тушунчалари атрофида фикр юритар эканмиз, ана бир ҳолатга эътибор бериш жоиз. Ҳар қандай инсон касбий маҳорати, билими ва тажрибаси, одамлар билан тиллаша олиш қобилияти туфайли, бир қарор ё буйроқ билан раҳбар бўлиши мумкин. Демак, **ҳар қандай мутахассисдан раҳбар чиқади. Лекин ҳар қандай раҳбардан арбоб чиқмайди.** Ёъни у яхши мутахассис ва ҳатто яхши одам бўлса-да, тўлақонли, етук шахсга айлана олмаган бўлади.

Демак, шахс ёки арбоб бўлиш учун яхши одам бўлишнинг ўзи қамлик қилади. У кишидан юксак профессионал маҳорат ва билимдан ташқари кенг дунёқараш, адолатлилик, шафқатлилик, баргиреклиги, одамларни ўзига жалб эта олиш, уларни ўзига эргаштира билиш қобилиятини ҳам тақозо этади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, **инсон — биоижтимоий воқелик, шахс эса ижтимоий ҳодиса. Инсон фақат жамиятдагина шахс бўлиб етишиши ва ўзини тўлақонли намоён этиши мумкин.** Шахснинг ўзига хос белгилардан яна бири унинг ижтимоий мулжалларга эгалигидир. Чунки у худди шу мулжаллар туфайлигина жамиятда муайян мавқега эга бўлади. Жамият тарақиётига хисса қўшади. Уз фаяолиятида кўпчиликнинг мақсад ва манфаатларини мукассам этади. Ана шунда шахс битта инсон қадрияти доирасидан чиқиб, умуммиллий қадриятга айланади. Бунинг устоз Оқил Салимов тимсолида кўрамиз.

Улугʻ устоз Оқил Умурзоқович суҳбат жараёнида Янги Ўзбекистонда олиб

борилаётган кенг миқёсли ислохотлар, маънавий-маърифий янгиланишлар хусусида гапириб қолдилар:

1. Юқорида шахс, сиёсий етакчи, бошқарувчи фазилатлари ҳақида гаплашдик. Ҳозирги дунёвий ўзгаришлар ва Ўзбекистондаги янгиланишлар хусусида ўйлар эканман, Президент Шавкат Мирзиёев қиёфасида замонамизнинг етук арбобини, сиёсий етакчи сифатидаги ғоят катта салоҳиятини, Ватан тақдирини учун ҳамма нарсага тайёрлиқни кўраман. У чиндан ҳам миллат дарди билан яшайпти.

2. Ҳозирги бошқарув тизимига ёш, замонавий кадрлар кириб келди. Президент сиёсий етакчи сифатида ёшларга суянапти. Ўзбекистон тақдирини айни ана шу ёшлар қиёфасида кўрапти. Бу, жамиятни тубдан ислох қилишда Шавкат Мирзиёевнинг ҳеч кимга ўхшаманглигидан, ўзига ҳослигидан далолат беради.

3. Миллат генофондини соғломлаштириш, жисмоний, маънавий, руҳий соғлом авлодни вужудга келтириш орқали ўзбек миллати интеллектуал салоҳиятини ошириш, янги авлоднинг улугʻ аждоқлар даражасида тарбиялаш сингари катта миллатларварлик фазилати бор унда. Миллат генафондини соғломлаштиришни бевосита хотин-қизларга муносабатни ўзгартиришда деб билади. Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистоннинг аёллар сиёсати бевосита миллат генофондида боғланиб кетган. “Соғлом она — соғлом бола” дастури ана шу буюк мақсадни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг замонавий дунёқараши, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўта қатъиятчилиги, тўпланиб қолган муаммолар ечимини топишдаги донолиги ва зукколигини юксак қадрайман.

Катта ҳаётий ва амалий тажрибага эга бўлган бир инсон сифатида давлатида раҳбарига ҳурматим баяланд. Биз ҳаммамиз, бутун халқимиз Президентимизнинг атрофида биллашимиз, у бошлаган ислохотларни тўла-тўқис амалга оширишимиз зарур. Мен унинг феъл-атворида, жон қуйдиришларида Янги Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўраман.

Хотима

Миллат дарғалари, халқ намояндалари бутун моҳияти билан жамият тарақиётини белгилаб берувчи, мамлакат истиқболига таъсир ўтказувчи ғоят кучли воқелиқдир. Аслини олганда, инсон табиатидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, улугʻ дарғаларда соқинлик, оғир-вазминлик, ҳар қандай вазиятга ҳам ўзини бир хил тута билиш одатга айланиб қолади. Эҳтимолки, уларнинг буюк ва баркамол инсонлиги ҳам шундадир. Бироқ ўша оғир-вазминлик, муаммоларга мулоҳазакор ёндашиш, ҳиссиётдан кўра ҳамиша ақлнинг устунлигини намоён қила олиш фазилатларини кўрсатаётганини ўзлари ҳам пайкамайди. Баъзан уларнинг битта сўзи, битта турткиси оламшумул кашфиётлар, буюк ўзгариш ва янгиланишларга сабаб бўлади. Улкан давлат ва сиёсат арбоби, миллий фанимизнинг улугʻ намояндаси, ёшларнинг беназир устози Оқил Салимов ҳақида ўйлаганимизда, беихтиёр ҳаёлимиздан ана шунлар ўтади.

Дарҳақиқат, Оқил Умурзоқовичнинг ҳаёт йўли миллат бахт-саодати, Ватан тарақиёти, унинг буюк келажаги билан боғлиқ зарварли ва маҳобатли йўл. Бу умр йўлининг бутун мазмунини улкан ақл-идрок, кенг тафаккур, юқори даражадаги билимдонлик билан бирга шахсий фазилатлар, жумладан, ўта қамтарлик ва мулойимлик билан қоришиб кетган қатъиятчилик, ҳар қандай масалага, катта-кичиклигидан қатъи назар, юксак масъулият билан ёндашиш, атрофдагиларга эътиборли бўлиш сингари имкониятларнинг уйғунлашиб кетгани билан белгиланади. Назаримизда, баркамоллик, етуклик, улугʻворлик сингари инсоний сифатлар О.Салимов ҳатти-ҳаракатида, муносабатида ақол кўзга ташланади. Айни шу ҳолатнинг ўзи ёшлар учун улкан мактаб, беназир сабоқ.

Устоз Оқил Салимовнинг ғоят маҳобатли ва сарфайз ҳаёт йўли давом этмоқда. Бу шуқуҳли, ҳар қандай инсонни эъгуликка, аяшхилкага даъват этгучи фазилат жараён қудрати тобора ошиб бормоқда. Бу эса ҳаммамизнинг, бутун халқимизнинг бебаҳо бойлиги, унинг шаъни, миллат сифатидаги қадрияти ва мавжудлиги билан боғланиб кетган шарафли йўлдир...

Нарзулла ЖўРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official



БАҒРИКЕНГЛИК



Серикбой УСЕНОВ,
Ўзбекистон қозоқ миллий
маданий маркази раиси,
“Меҳнат шўхрати” ордени
соҳиби

Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги — унинг кўп миллатли халқи. Бугун миллати, дини, этникодидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун яшаш, таълим олиш, меҳнат қилиш, давлат ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этишда тенг шароит яратилган.

Ўзбекистонда миллатлараро то-тувлиқ ва бағрикенгликни таъминлаш, фуқаролар онгига ўзаро биродарлик шуурини, дўстлик муҳитини, кўп миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустақамлаш, хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмокда.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қатор фармон ва қарорлар юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат

вакилларининг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришга қаратилган бўлиб, олижаноб ғоя — мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ғояси атрофида бирлаштиришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистонда энг йирик марказ

Бағрида 130 дан ортиқ миллат ва элатни бирлаштирган Ўзбекистонда қозоқ миллати вакиллари ҳам бошқа халқлар билан тенг нуфузга эга бўлиб, туғилган оға-инидай ҳамжиҳатликда, тинч-тотув, дўстлик ва биродарликда ҳаёт кечирмокда. Шу билан бирга, кўп миллатли юртимизнинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодий ривожланиши, ижтимоий тараққиёти йўлида фаол иштирок этмокда.

Ўзбекистондаги Қозоқ миллий маданий маркази жамиятимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда ўзининг салмокли хиссасини кўшиб келмокда.



Қозоқлар қадимдан ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келади, бу ҳолатни икки халқнинг тарихий ақинлиги ва турмуш тарзи билан изоҳлаш мумкин: қозоқлар, асосан, чорвачилик учун яроқли яйловларда истиқомат қилган бўлса, ўзбеклар савдо марказлари ҳисобланган шаҳарларда ва деҳқончилик билан шуғулланишга яроқли ҳудудларда яшаган. Иккала халқ ҳам “Уйингни тошлар билан эмас, дўстларинг билан ҳимоя қил”, деган мақолга амал қилган ҳолда, ҳамжиҳатлик ва тотувликда ҳаёт кечирган.

Икки қондош ва икки қариндош

Икки қондош, қариндош, жондош халқ ҳамжиҳатлигида ўтказилаётган турли тадбирлар халқларимиз ўртасида энг эзгу қадриятларимизни тараннум этишга, тил ва маданиятимизни, миллий анъаналаримизни аниқлашга хизмат қилмокда.

Маданий-маърифий тадбирлар доирасида ҳар йили “**Айтис**” оқинлар мусобақаси, “**Алтибақан**”, “**Тусау-кесер**” ва бошқа миллий байрамлар ўтказилади. Марказ иштирокида қозоқ миллий маданияти, адабиёти ва



санъатининг Тўлабий, Айтеке, Қозибек, Абай, Жамбул, Мухтор Аvezов, Собит Муқонов, Габит Мусрепов, Муқоғали Макатаев каби таниқли номияндаларининг юбилейлари нишонланади.

Марказимиз жамоат ташкилоти бўлгани туфайли унинг иши кўплаб фаоллар, жонқуярлар ва фидойиларнинг бевосита иштироки, уларнинг ўз эл-юртига садоқати, меҳр-муҳаббат, энг муҳими, сидқидилдан кўрсатган беғараз ёрдамлари билан юзага чиқади. Улар орасида республикаимизда таниқли жамоат арбоблари, оқсоқоллар, олимлар, қалам аҳли, турли соҳа вакиллари бор.

Дўстликнинг ёрқин тимсоли

Президентимизнинг 2018 йил 13 мартдаги “**Буюқ қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида**”ги қарори икки халқнинг бир-бирига ҳурмат-эҳтироми рамизи бўлиб, дейиш мумкин. Қарор ижроси доирасида муҳим чора-тадбирлар белгиланиб, қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Республикаимиз оммавий ахборот воситаларида Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида кўплаб мақолалар эълон қилинди, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари, адабий учрашувлар, мушоиралар ва бошқа кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, ўзбек тилида Абайнинг “**Сайланма**” асарлари, “**Ўзбек-қозоқ адабий алоқалари**” мақолалар тўплами, “**Абай абадияти**” илмий-тадқиқот монографияси, “**Абай. Қора сўз**” китоби кўп нусхада чоп этилиб, китобхоналарга тақдим этилди. “**Абай сўзи**” ҳужжатли фильми суратга олинди.

Айниқса, 2018 йилнинг **Қозогистон Республикасида Ўзбекистон йили** ва 2019 йилнинг **Ўзбекистон Республикасида Қозогистон йили** деб эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимиз миқёсида жуда кўплаб маданий-маърифий, илмий тадбирлар ташкил этилгани, муваффақиятли ўтказилгани қардош ўзбек ва қозоқ халқлари абадий дўстлигининг ёрқин тимсоли бўлди.

Марказимизнинг вилоятлар ва туманлардаги бўлимлари ҳам фаолият юритиб келмокда. Улар қозоқ миллати вакилларининг бошқа миллат ва элатга мансуб юртдошлари билан

ҳамжиҳатликда яшаб, ишлаб, энг катта бойлигимиз бўлган тинчликни асрашга, осойишталикни таъминлашга, миллатлараро дўстликни мустақамлашга ўз хиссаларини кўшмокда.

Санокли кунлардан сўнг эшик қоқиб 2023 йил ҳам кириб келади. Янги йилни муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар доирасида байрам дастурларини ишлаб чиқдик. Хусусан, миллий маданиятимизни, санъатимизни ва бадий хўнарамдўстлигимизни акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этишни режалаштирған.

Театрлаштирилган турли бадий саҳна кўринишлари ҳамда концерт дастурлари намойиш этишга ҳаракат қиламиз. Булар, ўз навабатида, икки халқ ўртасидаги давом этиб келаётган абадий дўстлик ва ҳамкорлиқнинг янги саҳифаси бўлиб қолишга аминмиз.

Президентга миннатдорлик

Миллатлараро ва халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини, изчил ҳамкорликни янада ривожлантириш, республикаимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг ўзига хос миллий урф-одатлари ҳамда анъаналарини сақлаб қолиш, давом эттириш масалаларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор бериб келинмокда. Биз бунинг учун ўзбек халқига, Президент Шавкат Мирзиёевга чин қалбдан миннатдорлик билдирамиз.

Айни пайтда турфа маданият ва қадриятлар гўллаб-яшнаётган юртимизда сиёсий барқарорлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик тобора мустақамлашиб, уйғунлашиб боришга, қардош халқларимиз ўртасидаги абадий дўстлик ва изчил ҳамкорлиқнинг янада яхшилланишига, ўзаро алоқалар равақ топишига ўзимизнинг муносиб хиссасимизни қўшаверамиз.

Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган Қозоқ миллий маркази ўзбек ва қозоқ халқлари орасидаги абадий дўстлик ва яқин ҳамкорлиқнинг “оптин кўприги” бўлиб қолаверади.

МУНОСАБАТ

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ОЙДИН ЙЎЛ

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ

Гавҳархон МУҚАДДАСОВА,
Давлат солиқ қўмитаси раиси
маслаҳатчиси

Мана, бир неча кунки, Президентимизнинг навбатдаги Мурожаатномасида илгари сурилган илғор ғоялар таъсири ва таассури билан яшайпмиз. Таҳлилчилар эса унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятига ҳолис баҳо бериш ва глобаллашув давридаги долзарб жиҳатларини эътироф этиш билан банд.

Давлат раҳбарининг парламентга мурожаат йўллаш анъанаси бошқа мамлакатларда ҳам маъжуд. Лекин Ўзбекистоннинг бу борадаги таърибаси ўзига хос. Бизда нафақат Олий Мажлис, балки бутун халқимизга мурожаат қилинади. Унда ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш масалалари билан бирга одамларни ўйлантираётган муаммолар ечимига қаратилган истиқболли лойиҳалар хусусида ҳам сўз юритилади.

Бу галги Мурожаатнома олтига муҳим йўналишни қамраб олган. Аввалги Мурожаатномаларнинг ҳар биридаги фикрлар алоҳида шиор атрофида бирлаштирилгани диққатга сазовор. Жумладан, олдинги йилларда “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Жамият — ислохотлар ташаббускори”, “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, “Хомашёдан — тайёр маҳсулот сари”, “Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган жамият ва халқпарвар давлат” сингари кўплаб бир-бирини тўлдирувчи ва ривожлантирувчи ғоялар илгари сурилган бўлса, бу сафарги



Мурожаатнома бошидан охиригача “Инсон — жамият — давлат” тамойилига қурилгани билан аҳамиятлидир. Мурожаатномани муайян йилга мўлжалланган “йўл харитаси” десак, тўғри бўлади. Чунки унда барча соҳа ва тармокларнинг келажаги, иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим омиллари чуқур таҳлил қилинган. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмлари очиб берилган. Шу маънода, кириб келаётган йилга “Инсонга аътибор ва сифатли таълим йили” дея ном берилишида улкан маъно-мазмун мужассам. Усиш, ўзгаришларнинг ҳақиқий пойдевори таълимда экани яна бир қарра таъкидланди.

Президентимиз юритаётган сиёсатдаги уйғунлик шундаки, инсонга эътиборни кучайтириш ва таълим сифатини ошириш масалаларини олтита эътиборни кучайтирмасдан ҳал қилиб бўлмаслиги доимо асосий ўринда туради. Навбатдаги Мурожаатномада ҳам миллий ўзгичимизнинг тимсоли бўлган она тилимизга эътиборни янада кучайтириш зарурлигига урғу берилгани, уни мукаммал ўрганиш мажбурий экани қайд этилгани бежиз эмас.

Тил — миллат ғурури, келажаги. Усиш ҳеч бир миллат тўлақонли халқ бўла олмайди. Бошқача айтганда, одам ўзлигини унутмаслиги учун уч нарсани бой бермаслиги керак: Ватанини, динини ва тилини. Шунинг учун қарийб олти аср аввал Ҳазрат Навоий “Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз”лиги ҳақида бонг урган. Ҳассос адиб Абдулла Қаҳҳор тилини бузганларни йўл қондасини бузганлар каби қатъий жаримага тортишни тақлиф этган. Эркин Воҳидов “Қаердасиз, тил фидойилари?” дея бутун жамиятни уйғоқликка чорлаган бўлса, Абдулла Ориповнинг она тилини билмайдиганлар тўтидан фарқсиз экани хусусидаги назмий фалсафаси ўтти даъват сифатида хизмат қилиб келаётир.

Бугун айримларнинг “Фарзандим чет тилини билади, бироқ она тилини билмайди”, деб юриши Янги Ўзбекистон фуқароларига умуман муносиб иш эмас. Албатта, хорижий тилларни ўрганиш замон талаби. Аммо бу она тилини инкор этишни аниқламайди. Аслида, ўз тилини мукаммал билмаганларнинг ўзга тилларни яхши ўзлаштириганига ишончи мушкул. Демак, бошқа тилларни камситмаган ҳолда, она тилимизни эъзозлашимиз, пухта билишимиз керак. Ҳеч бир тил бизнинг мамлакатда давлат тили ўрнида ишлатилмаслиги, ҳукмрон бўлмаслиги шарт. Президентимиз Мурожаатномасида ана шунга даъват этгани ҳаммамизга унутилмас сабоқ бўлиши даркор. Чунки биз ҳали ҳам ўз тилимизнинг қадрига етолмаймиз. Кўчаларга чиқсак, реклама ва эълонларни ҳали-ҳамон турли тилларда ўқиймиз. Ҳатто айрим нуфузли ташкилотларда муҳим ҳужжатларни бошқа тилда ёзиш урфдан тушмай келаётгани ачинарлидир. Уйлаيمизки, жамоатчиликнинг кучли назорати остида бундай камчилик ва нуқсонлар тез орада бартараф этилади.

МУРОЖААТНОМА — ДАСТУРИЛАМАЛ

Нурулла АБДУЛЛАЕВ,
ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири
маслаҳатчиси

Президентимиз Мурожаатномасини юртимизнинг ҳар бир фуқароси каби жон қулоғим билан эшитдим. Мамлакат ҳаётининг ҳар бир йўналишига оид фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва ташаббуслар, албатта, бу соҳаларни янада ривожлантиришга, тақомиллаштиришга, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни жаҳон саҳнида юқори поғоналарга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари нафақат Мурожаатномаларида, балки ҳар бир чиқишида буюқ мутафаккир ажодларимиз, айниқса, маърифатпарвар жаҳиди боболаримиз ҳаётига, уларнинг ижоди ва албатта, айтган пурмаъно сўзларига алоҳида эътибор қаратаётгани таҳсинга сазовор.

“Наҳот — таълимда, наҳот — тарбияда, наҳот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”, деганда Президентимиз минг бора ҳақ эди. Чунки таъкидланганидек, мамлакат келажаги ёшларнинг бугунги илм олиши, дунёқарashi, ватанпарварлиги, турли соҳаларда таърибали мутахассисларга айланишига боғлиқ.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг турли жаҳалари ҳақидаги фикрларни тарозини бир палласига, таълим тўғрисидаги мулоҳазаларни эса иккинчи палласига қўйиш мумкин. “Таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг



яккаю ягона тўғри йўлидир”. Ўзбекистон тараққиёти йўналиши аниқ белгилаб берилиши эса бизда таълимга қанчалик эътибор қучли бўлганини, кучаяётганини ва кучайишини кўрсатиб берди.

Юртимизнинг ҳар бир фуқаросига алоҳида эътибор қаратилаётганига, яшаш шароитлари яхшилаб берилаётганига, айтиш жоиз бўлса, давлат сиёсати фикр-мулоҳазаларимиз, тақлиф ташаббусларимиз асосида юритилаётганига қарамай, 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши юқоридаги сўзларимизнинг яна бир исботидир.

Президентимиз Маънавият ва маърифат кенгашининг 2021 йил 19 январь кунги ўтказилган йиғилишида “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятидир”, “Агар қимдир маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир”, дея жуда кўп масалалга ойдинлик киритган.

Бу сафар ҳам жамиятимизнинг маънавий асосларини мустақамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш,

илмий-ижодий ташкилотлар, зиёлилар фаолиятини кўплаб-қувватлаш давлат ва жамият учун устувор йўналишлардан бири бўлиши алоҳида таъкидланди.

Қувонтирадиган яна бир жиҳат шуки, жонажон Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида униб-ўсиб келаётган болаларимиз мактабдан чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқмокда. Албатта, чет тилини билиш замон талабиллиги, аммо она тилини билиш зарур эканлиги Мурожаатномада қатъий таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги сиёсий иродасини кейинги тўрт йилда, айниқса, яққол кўрсатди.

2019 йил 21 октябрда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинганини бу қадамларнинг биринчиси десак, 2020 йил 23 сентябрь кунги Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илк бор ўзбек тилида нутқ сўзлагани улкан одим бўлди. Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан эса ўзбек тили ўрганилишига, вазирилик ва идораларда давлат тилида иш юритиш тўла йўлга қўйилишига, бу жараёнга ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий қилинишига асос яратди.

Кези келганда, вазирилик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликларда раҳбарларнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилган пайтда бу қарорга ишонқирамай қараганлар, ишонч билдирмаганлар кўп бўлганини таъкидлаб ўтиш зарур. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлдан қайтилмагани, кўзлаган марраларга етиш учун бир тану бир жон бўлиб астойдил ҳаракат қилингани ўз самарасини берди. Бугун барча вазирилик ва идораларда, ҳокимликларда фаолият тулик давлат тилида юритилмокда ҳамда бу борадаги ишлар тўхтаб қолгани йўқ, аксинча, кундан-кунга ривожланиб бормокда.

Президентимизнинг бу йилги Мурожаатномаси мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллаш билан бирга, келгусида кундулик турмушда фойдаланадиган дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхазалар тақриз қилинмайди ва муаллифлик ҳақ тўлаб берилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўнани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1264.
80849 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳиш: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўёлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўза яқуни — 02:25 Тошпирилди — 02:25